

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ТИЗИМИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР
ИСТИҚБОЛЛАРИ****Мирсалихова Гузал Алаутдиновна**ИИБ Академияси Тезкор қидирув фаолияти
кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник.<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574946>

Юртимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолиятининг кадрлар соҳасида энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали тезкор қидирув фаолияти соҳасида ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, юқоридаги штат бирликларини оптималлаштириш орқали қуйи бўғинларда ошиқча иш ҳажмини камайтириш чоралари кўрилган бўлсада М.М. Султанов фикрича, тезкор-қидирув фаолияти давомида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, қонунчиликда бўшлиқлар мавжудлиги, бир қатор муаммо, камчиликлар ва баҳсли ҳолатлар борлигини кўрсатди[1].

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони билан Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирув департаменти[2] ташкил этилди. Бундан ташқари тезкор қидирув фаолиятида раҳбар лавозимларга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелида қабул қилинган “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5076-сон қарори билан ИИБ Академиянинг иккинчи даражали магистратура дипломига эга бўлишга оид талаб 2022 йил 1 сентябрдан, биринчи даражали магистратура дипломига эга бўлишлари белгилаб қўйилди[3].

Ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолияти бўйича амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар ўрганар эканмиз аввало тезкор қидирув фаолияти тушунчасини, виладиган ишлари ва ҳуқуқий асослари ҳақида олимлар фикрини ўрганиш лозим. Чунончи, Ф.Э. Джўраев фикрича, тезкор-қидирув фаолият ушбу қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир. Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, конспирациядан, ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлигидан иборат [4]. Назаримизда, тезкор қидирув фаолияти Ш.Х. Қушбоқов тақидлаганидек, ҳокимият ёки бошқа ваколатлар билан таъминланган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари[5] бажарувчи махфий ишларни юритиш

ваколатини берувчи фаолиятдир. Шунингдек, ушбу фаолиятда ўз ҳуқуқий мақомига хос барча хусусиятлар ўз аксини топган[6]

Шунингдек, тезкор қидирув фаолияти қиладиган асосий ишлари Н.Н.Бекмуродовнинг фикрича, тезкор-қидирув фаолияти натижаларида тўпланган маълумотлар, ахборот ва далиллар жинойтларни исбот қилиш жараёнида жуда муҳим ҳисобланади, ахборот далил (исбот) сифатида буюм, предмет, ҳодисаларни аниқлаб беради, ундаги маълумотлар таркибида исбот,далиллар мавжуд бўлиши мумкин, далил манбаси бўлиши мумкин бўлган шахсларни ёки ҳужжатларни намоён этади[7] ва ушбу жараёнларда махфийлик тартибида ҳуфиёна фаолият олиб боради ҳамда қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

- 1.Сўров;
- 2.Маълумотлар тўплаш;
- 3.Қиёсий текширув учун намуналар йиғиш;
- 4.Текшириш учун харидқилиш;
- 5.Назоратостида олиш;
- 6.Предметларва ҳужжатларни текшириш;
- 7.Тезкор кузатув;
- 8.Шахснинг айнанлигини аниқлаш;
- 9.Турар жойларни ва бошқа жойлар, бинолар, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш;
- 10.Почта жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш;
- 11.Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш;
- 12.Алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш;
- 13.Тезкор киритиш;
- 14.Назорат остида етказиббериш;
- 15.Ниқобланган операциялар;
- 16.Тезкор эксперимент[8].

Ҳозирги ахборот даврида яшаганимизни ҳисобга олиб тезкор қидирув фаолиятида ҳам кибер жинойтлар учраб турибди ушбу жинойтларни камайтириш мақсадида чора – тадбирлар ишлаб чиқишга зарурат туғилмоқда. Шу ўринда бугунги кунда содир этилаётган кибер жинойтлар З.М. Охунов ва Ш.Х. Қушбоқов тақидлаганидек, ижтимоий ҳодиса сифатида тушуниш, унинг ҳақиқий сабабларини ижтимоий, иқтисодий, психологик, тиббий ва педагогик муаммолар тизимидан излаш лозим[9] Биргина қидирув соҳасида оладиган бўлсак А.А.Таштемиров ва С.А. Калауов фикрича, қидирув эълон қилинган шахслар ва транспорт воситаларини танишнинг электрон тизимини тезкор ташкил қилиш ва ундан кейинчалик самарали фойдаланишни таъминлайдиган амалий механизмни жорий этиш[10] зарурияти борлигини кўриш мумкин.

Шундай бўлсада тезкор қидирув фаолиятида қуйидаги ижобий ишлар амалга оширилди:

биринчидан, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг электрон маълумотлар базаларини ягона платформа негизида бирлаштириш асосида «E-ichki ishlar organlari» марказлашган ахборот тизимини яратиш чоралари кўрилди;

иккинчидан, ички ишлар органларининг барча ахборот тизимларини интеграция қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг Маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш;

учинчидан, Ички ишлар вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда белгиланган муддатда ички ишлар органларининг фаолиятини босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш чоралари кўрилди.

Фикримизча, тезкор қидирув соҳасида маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар истиқболларини белгилашда қуйидаги жиҳатларга эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан:

биринчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар штат бирлигини ошириш чораларини кўриш. Чунки туманларда иш ҳажми кўпайганлиги сабабли фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишда муаммолар юзага келмоқда;

иккинчидан, Ш. Қушбоқовнинг такидлаганидек, тадбиркорлик фаолияти билан яқиндан танишиш имконияти^[11] берилган булсада бугунги кунда уларнинг хисоб рақамларидан пул маблағлари ечиб олинаётгани сир эмас. Шу сабабли ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолиятини янаям такомиллаштириш кибер жиноятларни олдини олиш ва фош этишда ИИВ Академиясида махсус йўналиш очиш чорларини кўриш ҳамда дарс машғулотларига кибер жиноятларни очишда илғор ходимларни жалб этиш борасида норматив ҳужжат қабул қилиш зарур деб биламиз.

References:

1. Султанов М.М. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ. International Conference on Developments in Education Hosted from Uzbekistan <https://econferencezone.org> April 26th 2022. 35 б.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5344118>. Мурожаат вақти: 11.10.2022.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон, 04.04.2022 й., 07/22/190/0268-сон, 15.04.2022 й., 07/22/207/0310-сон; 02.08.2022 й., 07/22/339/0703-сон.* Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5377619>. Мурожаат вақти: 11.10.2022.
4. Djurayev Farhod Eshbaevich. THE IMPORTANCE OF THE LAW "ON OPERATIONAL INSPECTION ACTIVITIES" IN THE IMPLEMENTATION OF PREVENTION OF OFFENSES. *Journal of Law Research*. 2021, vol. 6, issue 6, pp.71-78
5. Қушбоқов Ш.Х. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 28. – С. 58-63.
6. Qushboqov S., Yetmishboyev M. JAZONI IJRO ETISH MUASSASALARI ISHTIROKIDA TUZILADIGAN FUQAROLIK-HUQUQIY SHARTNOMALARNING MOHIYATI VA AHAMIYATI //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 9. – С. 76-80.

7. Bekmurodov N.N. SOME PROBLEMS OF USING THE RESULTS OF OPERATIONAL INVESTIGATIVE ACTIVITIES IN PROVING CRIMINAL CASES. *Journal of Law Research*. 2022, Special issue 2, pp.74.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни / *LexUZ шарҳи*. Ушбу Қонун “Халқ сўзи” газетасининг 2012 йил 26 декабрдаги 251 (5671)-сон.
9. Охунов З., Қушбоқов Ш. ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР // *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
10. Таштемиров А. А., Калауов С. А. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРАТИ // *BARQARORLIK VA YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
11. Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ // *Международная конференция академических наук*. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.